

МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ — сўз, шахс, виждон эркинлиги сингари сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, матбуотнинг эркин фаолият кўрсатишини, кишиларнинг матбуотда ўз фикр-мулоҳазаларини тўсиқларсиз ифода эта олишини ифодалайди. М.э. матбуотнинг моҳиятини, унинг жам-т ҳаётидаги ўрнини белгилайди. Сиёсий жиҳатдан М.э. демократия кўринишларидан бири сифатида қаралади. «Эркинлик» сўзи ҳар қандай тўсиқ, монелик ва ш. к.дан холи бўлиш, мустақиллик, озодлик маъносини англатади. Шу б-н бирга, эркинлик — анланган заруратдир: инсон ўз олдида турган тарихий, иқт-й, сиёсий заруратни англаб етгандагина том маънода эркин бўлади, эркин фикрлай олади. М.э. ҳам ана шундай хус-ятга эга, яъни жам-т тар-ётига, унинг қонуниятларига жавоб берадиган матбуотгина эркин матбуотдир. Жам-т тар-ётининг бош масалаларини теран англаб етган ҳолда фаолият юритадиган журналистгина эркиндир. М.э. уч асосга: ижт-й-сиёсий, иқт-й, маън-й негизларга таянади. М.э.нинг ижт-й-сиёсий асоси матбуотнинг қандай ижт-й борлиқ ва тузумда фаолият кўрсатиши, ижт-й онгнинг қандай кўриниши экани, қандай мафкура ва ғояларга хизмат қилишида намоён бўлади. М.э.нинг иқт-й асоси эса матбуот нашрлари ва ОАВнинг ким томонидан, қандай маблағ эвазига чиқарилиши б-н боғлиқ. М.э.нинг маън-й асоси эса уни чиқараётган шахс, гуруҳ, унда хизмат қилаётган журналистларнинг руҳияти, дунёқараши, эътиқоди б-н боғлиқ. Юксак маъ-ятли, эътиқодли, инсоният, жам-т олдидаги масъулиятини чуқур англаб олган, умуминсоний ва миллий қадриятларга хизмат қилувчи, эзгуликка интилувчи журналист доимо эркин бўлади. Аксинча, қолоқ, қотиб қолган т.лар, ақидалар асосида ва б. мақсадлар йўлида хизмат қилувчи журналист ҳеч қачон руҳан эркин бўла олмайди. М.э. муаммоси матбуот пайдо бўлганидан буён мавжуд бўлиб, турли жам-тда турлича ҳал этиб келинган. Матбуот вужудга келган илк даврлардаёқ унинг эркинлигини таъминлашга эҳтиёж пайдо бўлган. Тараққийпарвар кучлар ўз фикр ва қарашларини эркин баён этиш учун М. э.ни талаб қила бошлайди. 17-18-а.ларда Франция, Англия каби мам-тларда юз берган инқилобий воқеалар давридаги М.э. учун кураш бунга яққол мисол бўла олади. Англияда яшаб ижод этган Жозеф Аддисон, Ричард Стил, Францияда Камиль Демулен, Жан Поль Марат ва б. тараққийпарвар журналистлар ўз асарларида халқ оммасининг фикр ва туйғуларини ифода этиб, М.э. учун курашган. XX а. бошида Туркистонда вужудга келган жаҳид матбуоти намояндалари ҳам мустамлакачи чор ҳукуматининг М.э. борасидаги қаттиқ зулмига қарши чиққан эди. Бу даврда матбуотда ишлаб, публицистика соҳасида ижод қилган Бехбудий, Мунавварқори, Авлоний каби маърифатпарварлар чор Россиясининг сиёсатига қарши чиқиб, эркин миллий матбуотни шакллантириш ва ривожлантириш ғоясини илгари суриб, уни амалиётга жорий этишга ҳаракат қилганлар. Ўз-нда мустабид тузум даврида М.э. «таъмин этилган» бўлса-да, амалда бутун Иттифокда бўлгани каби, юртимизда ҳам журналистлар фаолияти партиявий назоратнинг қаттиқ исканжасига олинган ва унинг мафкурасига хизмат қилишга мажбур эди. Мустақилликни қўлга киритиб, демократик ва ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жам-тини барпо этиш йўлидан бораётган мам-тда М.э. сиёсий,

хуқуқий, иқт-й, ижт-й асослари кафолатланган. ЎзР Конституциясининг 67-моддасида «ОАВ эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Цензурага йўл қўйилмайди», дея қайд этилган. М.э.нинг ижт-й-сиёсий ва ҳуқуқий асослари мам-т Парламенти томонидан қабул қилинган қонунларда ўз ифодасини топган. *Н.Абдуазизова*

Маънавият

МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ — энг биринчи конституциявий мустаҳкамланган инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва фуқаролар сиёсий ҳуқуқларидан бири, анча умумийроқ ҳуқуқ — фикрни ифодалаш эркинлигининг таркибий қисми ҳисобланади. Илк бор французларнинг 1789 йил Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида эълон қилинган. Матбуот эркинлиги босма оммавий ахборот воситалари (газета, журнал ва бошқалар)ни эркин таъсис этишни, ҳар қандай босма маҳсулотни эркин тарқатишни, шунингдек цензуранинг тақиқланишини назарда тутди. Демократия давлатларида Матбуот эркинлигининг суиистеъмол қилинишига йўл қўймаслик мақсадида у қатор чекланишларга эга, бу чеклашлар рўйхати сўз эркинлигидаги билан бир хил (қ. *Сўз эркинлиги*). Дунёда оммавий ахборот воситаларининг янги турлари (радио, телевидение ва бошқалар) пайдо бўлиши муносабати билан энг янги конституцияларда Матбуот эркинлиги тушунчаси “оммавий ахборот воситалари эркинлиги” тушунчасига сингиб кетган.

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: “Ўзбекис-тон”, 2003.-67м., Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1998 йил, №1 сонда чоп этилган).*

ЮЛ